# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ
# СУДЬЯЛАР ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КОРРУПЦИЯНИ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА СУД ИНСПЕКЦИЯСИ

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



# 1. Коррупцияни белгиловчи омиллар ва унинг келиб чиқиш сабаблари

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиши тушунилади**




**“Коррупция” атамаси “бузиш, тизимни издан чиқариш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган лотинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан**

**Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши тушунилади**

# МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

**Лоббизм** (инглиз. lobby – кулуар, коридор) расмий вакиллар билан норасмий шахсларнинг ўзаро учрашиб, расмий қарорлар устунлик қабул қилишдаги сиёсий таъсирнинг ўзига хос тури

**Пантуфляж** (фран. шиппакни алмаштириш) –давлат хизматчиси давлат секторидан кетиб, хусусий секторга ишга жойлашиши



**Раҳнамолик, фаворитизм** (фр. favorit) химоя остидаги айрим ходимларни яқин олиш ва қуллаб-қувватлаш

**Непотизм** (лот. nepos жиян) қариндош-уруғчилик, ҳудудий ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўриш

**Кронизм** (инглиз. хамфикр, таниш биличилик, гуруҳбозлик) лавозимларни таниш-билишчилик асосида дўстларга бериш

**Протекционизм** (лот. кўмаклашиш) маълум бир шахсларни лавозимга тайинлашга кўмаклашиш

**Клиентелизм** (ингл. clientelism, лот. clientēla - мижоз) - юқори лавозимдаги мансабдор шахс ва унга хайрихох бўлган шахслар (мансабдор шахслар, тадбиркорлар, сиёсий гуруҳлар)

# Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини белгиловчи омиллар






## Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни (2021 йил 18 ноябрь)

**Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонуни**




**«$26^2$-модда. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани кўриб чиқиш**

**Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»ги Қонуни**




**«$25^2$-модда. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузани кўриб чиқиш**

**Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрда қабул қилинган «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонуни**




**«$23^1$-модда. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимларининг қамоқда сақлаш жойларига бориши**

**Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунига**



«$12^{3}$-модда. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари

**Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунига**




«$8^{2}$-модда. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маърузасини кўриб чиқиш

**Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига**




**«8-модда. Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари**

**«$8^{1}$-модда. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари**

**«28-модда. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларни ва уларнинг яқин қариндошларини ҳимоя қилиш**

# Коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва коррупцияга оид жиноятлар

Вазирлар Маҳкамасининг **“Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори (829-сон, 31.12.2020 й.)** қабул қилинди.

Низомга асосан

**коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар** тоифасига — Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси **61-1**, **193-1 ва 193-2**-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар;

**коррупцияга оид жиноятлар тоифасига эса** — Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси **167-моддасининг иккинчи қисми «г» банди**, **168-моддасининг учинчи қисми «в» банди**, **1929** **ва** **19210, 205**, **209 — 214-моддалари**, **243-моддасида** назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда **301**-моддасида кўрсатилган жиноятлар хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Миллий гвардиясининг **2019 йил 30 декабрдаги** ҚК-72, 08/УМ-804-19, 42, 101, 01-02/22-70, 34-сон қарори билан тасдиқланган **“Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан**:

1

“Коррупцияга оид жиноятлар тоифасига қуйидагилар кириши:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **$192^{9}$, $192^{10}$, 210, 211, 212, 213, 214-моддаларида** назарда тутилган жиноятлар;

2

ғаразгўйлик ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **$192^{11}$, 205, 206, 209, 301-моддаларида** назарда тутилган жиноятлар;

3

мансабдор шахс томонидан мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ғаразгўйлик ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **167, 168-моддаларида** назарда тутилган жиноятлар белгиланган.

# Мансабдор шахслар томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун жавобгарлик турлари

**Жиноий жавобгарлик**

**ЖК 167, 168, 192-9, 192-10, 192-11, 205, 206, 209, 210, 211, 212, 213, 214, 301-моддалари**



**Маъмурий жавобгарлик**

**МЖТК 61, $193^{2}$-моддалари**

**Интизомий жавобгарлик**

**Касб одоби қоидаларини бузиш**
**Хизмат ўташ талабларини бузиш**
**Интизомга хилоф ножўя ҳаракатлар**
**Номувофиқ хатти-ҳаракатлар**

# Мансабдор шахсларнинг бошқарув тартибига ва одил судловга қарши жиноятлари

1 **205-модда.**
**Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш**

2 **206-модда.**
**Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш**

3 **207-модда.**
**Мансабга совуққонлик билан қараш**

4 **208-модда.**
**Ҳокимият ҳаракатсизлиги**

# Мансабдор шахсларнинг бошқарув тартибига ва одил судловга қарши жиноятлари

**214-модда.**
**Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши**

**213-модда.**
**Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш**




**209-модда.**
**Мансаб сохтакорлиги**

**210-модда.**
**Пора олиш**

**211-модда.**
**Пора бериш**

**212-модда.**
**Пора олиш-беришда воситачилик қилиш**




Шу билан бирга, мансабдор шахслар томонидан 2013 йилдан 2020 йилгача содир этилган коррупцияга оид жиноятлар **43 фоизга камайган,** айнан прокуратура органлари томонидан 2015 йилдан 2020 йилгача турли коррупцион жиноятлар учун **20000 ошиқ шахсга (2015 йил – 6853, 2016 йил – 4524, 2017 йил – 2794, 2020 – 1723, 2021) қарши 10000 ошиқ та жиноят иши қўзғатилган (2015 йил – 3778, 2016 йил – 2860, 2017 – 1934,** **7, 2019 – 1339, 2020 – 1148, 2021/10 -**










**СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАР**

## 1

**«Ижтимоий фикр» маркази томонидан аҳоли ўртасида ўтказилган сўров натижалари бўйича энг кўп коррупциялашган соҳалар кўрсаткичи** *(фоиз)*

| *Соҳа* | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
|---|---|---|---|---|---|
| **Соғлиқни сақлаш** | 37,6 | 34,3 | 42,9 | 35,3 | 42,9 |
| **Таълим** | 31,4 | 29,2 | 35,1 | 38,4 | 34,2 |
| **Ишга қабул қилиш** | 16,2 | 32,1 | 45,5 | 22,6 | 22,7 |
| **Ҳокимият** | 2,6 | 8,1 | 11,9 | 12,4 | 20 |
| **Ижтимоий таъминот органлари** | 8,4 | 6,5 | 9,8 | 5 | 8,1 |

## 2

2018-2021 йилларда **энг кўп жиноий жавобгарликка тортилган вазирлик ва идоралар** мансабдор шахсларининг кўрсаткичи:

- **951** нафари **халқ таълими** вазирлиги
- **840** нафари **соғлиқни сақлаш** вазирлиги
- **505** нафари **мактабгача таълим** вазирлиги
- **375** нафари **олий ва ўрта махсус таълим** вазирлиги
- **221** нафари **маҳаллий ҳокимлик**лар
- **159** нафари **кадастр** агентлиги
- **158** нафари **бандлик** ва меҳнат муносабатлари вазирлиги

## 3

**2017-2021 йилларда давлат органлари мансабдор шахсларининг жиноятчилик аҳволи**

Мулкни талон-торож қилиш




Пора олиш, пора бериш, порахўрликда воситачилик




Хизмат ваколатларини суиистеъмол қилиш



СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАР

## 4 Жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар ва жиноят ишлари сони




## 5 Давлат ёки жамоат манфаатларига етказилган зарар




## 6 Жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг мақоми

| | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Республика даражасидаги ходимлар | 62 | 31 -50%↓ | 17 -45%↓ | 48 182%↑ | 40 -17%↓ | 9 -78%↓ | 16 78%↑ |
| Вилоятлар даражасидаги ходимлар | 495 | 450 -9%↓ | 286 -36%↓ | 191 -33%↓ | 115 -40%↓ | 45 -61%↓ | 241 436%↑ |
| Туман (шаҳар) даражасидаги ходимлар | 6296 | 4236 -33%↓ | 2578 -39%↓ | 1668 -35%↓ | 1184 -29%↓ | 1669 41%↑ | 2547 53%↑ |

## Коррупциявий жиноятлар фош этилиши



**2021 йилда давлат органлари ва ташкилотларида ишловчи 3050 нафар ходим томонидан 4 186 та ҳолатда коррупцион жиноят қайд этилган. Бу ҳақда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳисоботида маълум қилинганидек.**

Қайд этилишича, йил давомида манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда коррупциянинг олдини олишга қаратилган **26 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилган ва ҳозирда ушбу ҳужжатлардан 8 таси қабул қилинган**.

2021 йилда Давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси бузилганлиги билан боғлиқ **142,7 млрд сўм микдоридаги моддий зарар етказилишига** доир ҳолатлар аниқланган. Аниқланган коррупция ҳолатлари юзасидан тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим қилиниб, Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан умумий **49 та жиноят иши ва 24 та маъмурий ишлар қўзғатилган**.

Таҳлилларга кўра, 2021 йилда **6 294 нафар шахслар томонидан 7 953 та коррупцион ҳолатлар билан боғлиқ жиноятлар содир этилган**.

Шундан, давлат органлари ва ташкилотлари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришга оид **3 050 нафар шахс томонидан 4 186 та коррупцион ҳолат билан боғлиқ жиноятлар ҳисобга олинган.**

**2021 йил давомида** республика бўйича жами **2.345 та жиноят иши бўйича 2.804 нафар мансабдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилган**.

Жинояти фош қилинган мансабдор шахсларнинг **16 нафари республика, 241 нафари вилоят ва 2.547 нафари туман (шаҳар) миқёсидаги вазирлик, идора ва ташкилотларда фаолият юритган**.

Жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахсларнинг 1.741 нафари ўзганинг мулкини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон - торож қилиш, 269 нафари фирибгарлик, 153 нафари пора олиш, 168 нафари мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш, 42 нафари мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, 41 нафари мансаб сохтакорлиги, 12 нафари пора бериш ва 378 нафари бошқа жиноятларни содир этишган.

Мансабдор шахсларнинг жиноятлари оқибатида давлат ва жамият манфаатларига **913,7 млрд. сўм миқдорида моддий зарар етказилган бўлиб, тергов жараёнида ушбу зарарнинг 714,8 млрд. сўми ундирилган.**






# ИЖТИМОИЙ СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ








**2020** йилнинг **4-14 сентябрь** кунлари **“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази** мамлакат фуқаролари ўртасида «**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида жамоатчилик фикри**» мавзусида сўров ўтказилганда иштирокчиларидан аксариятининг ҳисоблашича **(60,8%),** коррупцияга оид жиноятларнинг асосини **иқтисодий, 53% ҳуқуқий, ахлоқий 47,9%**, **ижтимоий 39,8% омиллар ташкил этади.**

Тадқиқотда, сўралган фуқароларнинг фикрига кўра, **қайси соҳаларда** коррупциянинг тарқалганлиги аниқланди (**таълим тизимида - 38,4, соғлиқни сақлаш соҳасида - 35,3, ишга жойлашишда - 22,6,** ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда - 12,1, солиқ органларида - 6,9, суд тизимида - 6,1, ҳокимликлар - 6,1, ижтимоий таъминот -3,6, савдо тизимида -2,3, божхона - 2,1, коммунал хизматлар 1,6, бошқа сохалар -13,5 **%).**

**2019-2020 йилларда** тизим ходимларига нисбатан **233 та жиноят ишлари** қўзғатилган ва уларнинг жиноий жавобгарлик масаласи ҳал этилган

# Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар асосий кўринишлари

Маиший коррупция

Тадбиркорлик соҳасидаги коррупция

Сиёсий соҳасидагикоррупция

Иқтисодиёт соҳадаги коррупция

Ижтимоий соҳадаги коррупция



Давлат органлардаги коррупция

Хусусий сектордаги коррупция

Давлат бошқарувидаги коррупция

Халқаро унсур билан боғлиқ коррупция

Юқори тойифадаги коррупция

# Коррупциявий жиноятларнинг содир этилишига шароит яратувчи омиллар

Мансабдор шахсларга чекланмаган дискрецион ваколатлар берилиши

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги камчиликлар (билимсиз ва тажрибаси йўқ ёки ишончсиз шахсларни қариндош уруғчилик, таниш-билишчилик асосида ишга қабул қилиш ва бошқалар

Тарбиявий ишлардаги нуқсонлар

Режалаштиришдаги камчиликлар, хизмат фаолиятини ташкил этишдаги нуқсонлар (мажбуриятларни тақсимлаш, ваколатни белгилаш, иш хажмининг кўплиги ва ҳ.к.)




Хўжасизлик ва ортиқча сарф-харажатга йўл қўйиб бериш (энергия манбаларидан, моддий ва одам ресурсларидан тежамкорликсиз фойдаланиш)

Ҳисоб-китоб ва назоратнинг сустлиги

Мансабдор шахсларнинг фойдаси ва сарф-ҳаражатлари ва улар томонидан хизмат вазифаларини бажариши устидан назоратни йўқлиги, коррупциявий ҳолатларга эътиборсизлик

Замонавий фан, техника ва технологиялар жорий этилмаганлиги

# Коррупцияни идрок этиш индексидаги кўрсатгичлар




| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 39 | North Macedonia | 34 | El Salvador | 29 | Liberia | 23 | Zimbabwe |
| 39 | Suriname | 34 | Sierra Leone | 29 | Mali | 22 | Eritrea |
| 39 | Tanzania | 33 | Egypt | 29 | Russia | 21 | Congo |
| 39 | Vietnam | 33 | Nepal | 28 | Mauritania | 21 | Guinea Bissau |
| 38 | Argentina | 33 | Philippines | 28 | Myanmar | 20 | Chad |
| 38 | Brazil | 33 | Zambia | 28 | Pakistan | 20 | Comoros |
| 38 | Indonesia | 33 | Algeria | 28 | Uzbekistan | 20 | Haiti |
| 38 | Lesotho | 32 | Eswatini | 27 | Cameroon | 20 | Nicaragua |
| 38 | Serbia | 32 | Ukraine | 27 | Kyrgyzstan | 20 | Sudan |
| 38 | Turkey | 31 | Gabon | 27 | Uganda | 19 | Burundi |
| 37 | Gambia | 31 | Mexico | 26 | Bangladesh | 19 | Democratic Republic of the Congo |
| 37 | Kazakhstan | 31 | Niger | 26 | Madagascar | 19 | Turkmenistan |
| 37 | Sri Lanka | 31 | Papua New Guinea | 26 | Mozambique | 17 | Equatorial Guinea |
| 36 | Cote d'Ivoire | 30 | Azerbaijan | 25 | Guatemala | 17 | Libya |
| 36 | Ecuador | 30 | Bolivia | 25 | Guinea | 16 | Afghanistan |
| 36 | Moldova | 30 | Djibouti | 25 | Iran | 16 | Korea, North |
| 36 | Panama | 30 | Dominican Republic | 25 | Tajikistan | 16 | Yemen |
| 36 | Peru | 30 | Laos | 24 | Lebanon | 14 | Venezuela |
| 35 | Albania | 30 | Paraguay | 24 | Nigeria | 13 | Somalia |
| 35 | Bosnia and Herzegovina | 30 | Togo | 24 | Central African Republic | 13 | Syria |
| 35 | Malawi | 30 | Kenya | 23 | Cambodia | 11 | South Sudan |
| 35 | Mongolia | 29 | Angola | 23 | Honduras | | |
| 35 | Thailand | | | 23 | Iraq | | |

# Transparency Internationalнинг манбалари

Ўзбекистон Республикаси 2021 йилги “Коррупцияни идрок этиш индекси”да **7 та манбага** асосан баҳоланган

**Rule of Law Index**

**Varieties of Democracy**

**Transformation Index**

**EIU Country Ratings**

**Ratings**

**Давлатларнинг сиёсати ва институтларини баҳоси (CPIA)**

**Global Insight: Country Risk Ratings**

# Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар айрим кўринишлари

Меҳнат муносабатлари тизимидаги коррупция

Соғлиқни сақлаш тизимидаги коррупция

Давлат хизматларини кўрсатиш тизимидаги коррупция

Бюджет тизимидаги коррупция

Қишлоқ хўжалиги тизимидаги коррупция

Банк тизимидаги коррупция

Давлат харидлари соҳасидаги коррупция



Спортдаги коррупция

Таълим тизимидаги коррупция

Капитал қурилиш тизимидаги коррупция

Транспорт тизимидаги коррупция

Табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги коррупция

Ер ажратиш тизимидаги коррупция

Божхона тизимидаги коррупция

Ижтимоий таъминот тизимидаги коррупция

# Коррупция оқибатида юзага келадиган салбий ҳолатлар

**Давлат, жамият ва фуқароларнинг манфаатларига катта зарар этказалиши**

**Соғлом рақобатга тўсқинлик қилади, ҳалол ишбилармонлик муҳитига ўта салбий таъсир этади**

**Ҳуфёна иқтисодиётнинг ривожлантиради**

**Иқтисодий-сиёсий барқарорликка кескин хавф туғдиради**




**Демократик қадриятлар (қонунийлик, адолат, тенглик) зарар етказади**

**Маҳсулот ва хизматлар сифатига салбий таъсир этади**

**Тадбиркорлик субъектлари, акциядорлар, контрагентлар ва бшқ. Ўзаро итшончнинг йўқотилиши**

**Давлат бошқарувини издан чиқаради ва уюшган жиноятчилик ривожлантиради**




QUEREMOS FAXINA NO BRASIL
APOIAMOS E EXIGIMOS!
10 MEDIDAS CONTRA A CORRUPÇÃO


CORRUPTION IS KILLING US
CORRUPTION TAXES THE POOR WE SAY TAX THE RICH


STOP
KORUPCII


Коррупция ворует будущее
Челябинск, 26 марта 2017


Я против коррупции






Corupția ucide

# Коррупциявий жиноятлар содир этган давлат рахбарлари














# Коррупциявий жиноятлар омиллари

| Антропологик омиллар | Иқтисодий омиллар | Ижтимоий омиллар |
|---|---|---|
| **Инсоннинг зиддиятли табиати, эзгулик ва ёвузликнинг доимий кураши, инсоннинг кам куч сарфлаб кўпроқ фойда олишга интилиши ва ш.к.** | Тадбиркорлик фаолиятининг юқори даражадаги трансакциявий харажатлари (“қонунга бўйсуниш баҳоси”), бозор хўжалиги доирасидаги рақобат, иқтисодиётнинг турли секторларининг нотекис ривожланиши, ва бошқалар. | **Жамиятнинг ижтимоий табақалашуви, “хавф гуруҳлари”нинг мавжудлиги, меҳнат қонунчилигининг бузилиши, муҳожир ишчилар, аёллар ва ўсмирлар меҳнатидан фойдаланишда ижтимоий адолат принципларига риоя этилмаслиги ва ҳ.к.** |
| 1 | 2 | 3 |

# Коррупциявий омиллар

| Ҳуқуқий омиллар | Ахлоқий омиллар | Сиёсий омиллар |
|---|---|---|
| тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси номукаммаллиги, бозор хўжалигининг ўзгариб борувчи шарт-шароитлари билан мавжуд қонунчилик базаси ўртасида зиддият мавжудлиги, уй хўжалигининг тартибга солинмаслиги ва ш.к. | қонунчилик ҳамда тадбиркорликнинг ахлоқий асослари ўртасидаги зиддиятлар, давлат ва жамият, давлат ва индивид манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар; миллий анъаналарнинг ҳисобга олинмаслиги, диний қоидаларнинг таъсири ва бошқалар. | ҳокимият ва йирик капитал ўртасидаги ўзаро муносабатлар, олигархиянинг шаклланиши, ҳокимият кучи ҳамда иқтисодий фаолиятга таъсир кўрсатишнинг кучга асосланган усуллари ўртасидаги нисбат. |
| 4 | 5 | 6 |

# Коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган мустақил ваколатли органлар ташкил этиш

CPIB
Swift and Sure

SFO serious fraud office

AFA
Agence Française Anticorruption

CCECC
Center For Combating Economic Crimes And Corruption

CENTRALNE BIURO ANTYKORUPCYJNE
CBA

ICAC

ICAC
Independent Commissioner Against Corruption
SOUTH AUSTRALIA

中国共产党中央纪律检查委员会

KPK

香港特別行政區
廉政公署
INDEPENDENT COMMISSION AGAINST CORRUPTION
HONG KONG SPECIAL ADMINISTRATIVE REGION

국민권익위원회
Anti-Corruption & Civil Rights Commission

САП
СПЕЦІАЛІЗОВАНА АНТИКОРУПЦІЙНА ПРОКУРАТУРА

# Коррупцияга қарши кураш борасида иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибаси

**АҚШда 1883 йилда «Фуқаролик давлат хизмати тўғрисида»ги (Пендлтон) Қонуни қабул қилинган**

**Сингапурда 1959 йилда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган**




**Британия империясида 1889 йилда «Давлат идораларида порахўрликка қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган**

**АҚШда 1970 йилда "Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида"ги (РИКО) Қонун қабул қилинган**

# Репрессив чоралар



## Ўлим жазоси
**Отиш**

Китай, Иран, Ирак, Саудовская Аравия, Таиланд, Куба





10 йил мобайнида 10 минг мансабдор қатл этилган.

---



## Кулни чопиш

ОАЭ, Катар, Бахрейн



Коррупция ўғриликнинг тури хисобланади

---



Дарра

**уриш**

Маиший коррупция учун

Сингапур, Индия, Пакистан

5-24 таёқ

ротанговыми палками










# Превентив чоралар

| | |
|---|---|
| **Замонавий давлат бошқарувни жорий этиш** | Канада<br>Франция |
| **Қонун устуворлигини таъминлаш** | ИХТТ давлатлари<br>OECD |
| **Шаффофлик ва хисобдорликни таъминлаш** | Япония<br>Корея<br>Австралия |
| **Коррупцияга қарши маданиятни шакллантириш** | Малайзия<br>Гонконг |
| **Меритократия тизимини, иш шароитини, иқтисодий, ижтимоий ҳимояни жорий этиш** | Сингапур<br>Швеция<br>АҚШ |

# Превентив чоралар

| | |
|---|---|
| **Аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш** | ИХТТ давлатлари |
| **Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш** | Голландия Исроил |
| **Коррупцияга қарши крашишга диний қадриятларни жалб этиш** | Саудия Арабистони, Эрон, Қатар, Малайзия |
| **Даромадлар, харажатлар, манфаатлар декларациялаш тизимини жорий этиш, ички, ташқи аудит тизимларини мустаҳкамлаш** | ИХТТ давлатлари |
| **Давлат хизматларини автоматлаштириш, хизматларни рақамлаштириш** | Корея, Канада Грузия |

## Прокуратура органларида коррупциявий холатларни олдини олиш воситалари



# Коррупцияга қарши курашишда **Суньий интеллект технологияси** жорий этилиши



2012 й. **Zero Trust** платформаси орқали 64 млн. Давлат хизматчилари ўртасида 8721 мансабдор шахслар коррупиявий жиноятлар содир этганлиги аниқланди.

Zero Trust платформаси **ХХР Фанлар Академияси ҳамда Коммунистик партия назорат комиссияси** томонидан жорий этилган. 150 маълумотлар (банк, полиция, ташкилотлар реестрлари, ресторан, супермаркет, солиқ, туристик агентлик, мачитлар, тотализатор базаларига уланган



## 2. Коррупцияга қарши кураш борасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари



**“Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ечиш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади”**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***Шавкат Мирзиёев***

2005 йил 23 мартда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияга (2000й. 15 ноябрь) қўшилди

2010 йил мартда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) қўшилди



2008 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияга (2003 й. 31 октябрь) қўшилди

2011 йил 13 декабрда Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги битимини (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилган.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида”ги 1992 йил 6 мартдаги 103-сон Қарорига асосан

**Қуйидаги мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқлансин:**

**давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига;**

**давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларига, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахсларга;**

**давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарларига;**

**давлат таъминот ва савдо-сотиқ корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимларига;**

**тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш вазифасига кирувчи давлат органларинг раҳбар ходимлари ва мутахассисларига.**

# БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси

**2003 йил 31 октябрда** қабул қилинган БМТнинг **Коррупцияга қарши конвенцияси** коррупцияга қарши кураш борасидаги энг асосий халқаро ҳужжат ҳисобланади.




Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатга қўшилган: Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига **Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонуни 2008 йил 24 июнда қабул қилинди ва 2008 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати томонидан маъқулланди ва 2008 йил 28 августдан эътиборан кучга кирди.**

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси муқаддима ҳамда **8 та боб, 71 та моддадан иборат бўлиб, 1-бобда (1-4) умумий қоидалар, 2-бобда (5-14) коррупциянинг олдини олиш чоралари, 3-бобда (15-42) жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти, 4-бобда (43-50) халқаро ҳамкорлик, 5-бобда (51-59) активларни қайтариш бўйича чоралар, 6-бобда (60-62) техник ёрдам ва маълумот алмашинуви, 7-бобда (63-64) амалга ошириш механизмлари, 8-бобда (65-71) якуний қоидалар акс этган.**

**БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси**

**Конвенция муқаддима, 8-та боб, 71-та моддадан иборат**

**Муқаддима**

**1-боб (1-4) Умумий қоидалар**

**2-боб (5-14) Коррупциянинг олдини олиш чоралари**

**3-боб (15-42) Жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти**

**4-бобда (43-50) Халқаро ҳамкорлик**




**5-бобда (51-59) Активларни қайтариш бўйича чоралар**

**6-бобда (60-62) Техник ёрдам ва маълумот алмашинуви**

**7-бобда (63-64) Амалга ошириш механизмлари**

**8-бобда (65-71) Якуний қоидалар**

# Конвенциянинг асосий нормалари

18-моддаси “Ғаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиш”

17-моддаси “Оммавий мансабдор шахс томонидан мол-мулк талон-торож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши”

16-моддаси “Хорижий оммавий мансабдор шахсларни ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларини пора эвазига оғдириш”

10-модда. Оммавий ҳисобдорлик

32-модда. Маълумот берувчи шахслар ҳимосини таъминлаш




20-модда. Ноқонуний бойлик ортириш

5-модда. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши ҳаракат қилиш сиёсати ва амалиёти

6- модда. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши ҳаракат қилиш органи ёки органлари

8-модда. Оммавий мансабдор шахсларнинг Одоб аҳлоқ кодекслари

9-модда. Оммавий харидлар ва оммавий маблағларни бошқариш.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҲТТ ТАЛАБЛАРИНИ БАЖАРИШИ ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН МОНИТОРИНГЛАР

**2018 йил**
**4 раунд**

**Коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги, халқаро хамкорлик**

**2012 йил**
**1-2 раунд**

**Коррупцияга қарши тизим яратилганлиги**






**2022 йил**
**5 раунд**

**2015 йил**
**3 раунд**

**Ҳалқаро мажбуриятларни бажариш**

Борьба с коррупцией в странах Восточной Европы и Центральной Азии

**Антикоррупционные реформы в Узбекистане**

4-й раунд мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией



OECD

**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯСИ**

100047, Тошкент шаҳри, Академик Я.Ғуломов кўчаси, 66

2019 йил «31» июль , 19/10а-19 -сонли

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси аъзолари ҳамда бошқа вазирлик ва идораларга**
*(рўйхат бўйича)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастурининг аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш йўналишида назарда тутилган 1,2,3-бандлари ижроси бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар режалари, шунингдек, Давлат дастурининг 30-банди ижроси юзасидан тасдиқланган Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёти ташкилотининг тавсияларини бажариш бўйича "Йўл харитаси" ижро учун юборилмоқда.

Мазкур режалар ва "Йўл харитаси"да белгиланган тадбирлар ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли таъминлаб, кўрсатилган муддатларда ахборот тақдим этишингиз талаб этилади.

Шунингдек, Фармон ижроси юзасидан тайёрланган коррупцияга қарши курашиш бўйича намунавий тадбирларнинг идоравий дастури ички идоравий дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун юборилмоқда.

Илова: «103» варақда

**Бош прокурор,
Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси раиси** **Н.Т.Йўлдошев**

**«УТВЕРЖДАЮ»**
Председатель Республиканской межведомственной комиссии по противодействию коррупции
**Н.Т.Йулдошев**
«31» июль 2019 г.

**«ДОРОЖНАЯ КАРТА»**
**по исполнению рекомендаций Узбекистану по результатам Четвертого раунда мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией АКС ОЭСР**

| № | Рекомендации ОЭСР | Наименование мероприятий | Механизм реализации | Сроки исполнения | Исполнители |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Глава 1. Антикоррупционная политика** | | | | |
| | **Рекомендация №1** | | | | |
| **1.1** | Подготовить и принять новый антикоррупционный документ стратегического характера, определив приоритеты и ожидаемые результаты его воздействия на уровень коррупции в стране. | Разработка и согласование с Межведомственной комиссией индикаторов эффективности в достижении целей по каждому пункту Государственной программы. | Организационные мероприятия | июль-август 2019 г. | Министерства и ведомства, Республиканская межведомственная комиссия по противодействию коррупции (далее Межведомственная комиссия) |
| **1.2** | Регулярно пересматривать и обновлять документы антикоррупционной политики с учетом изменения ситуации, задач и потребностей. | Инвентаризация нормативно-правовой базы в сфере противодействия коррупции с учетом первостепенных задач и потребностей. Обновление и принятие ведомственных и региональных документов антикоррупционной политики. | Ведомственные документы по противодействию коррупции | ежегодно | Министерства и ведомства |

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисининг 2021 йил 19 августдаги 4-сонли билан ИҲТТ **тавсияларини бажари бўуича “Йўл харитаси тасдиқланди”**




Приложение 5
к протоколу №4 заседания
Национального совета по противодействию
коррупции Республики Узбекистан
от 19 августа 2021 года

**«ПЛАН ДЕЙСТВИЙ»**
**по исполнению рекомендаций Узбекистану по результатам Четвертого раунда мониторинга в рамках Стамбульского плана действий по борьбе с коррупцией АКС ОЭСР**

| № | Рекомендации ОЭСР | Наименование мероприятий | Механизм реализации | Сроки исполнения | Исполнители |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **Глава 1. Антикоррупционная политика** | | | |
| | **Рекомендация №1** | | | | |
| 1.1 | Подготовить и принять новый антикоррупционный документ стратегического характера, определив приоритеты и ожидаемые результаты его воздействия на уровень коррупции в стране. | Разработка и согласование с Национальным советом индикаторов эффективности в достижении целей по каждому пункту Государственной программы. | Организационные мероприятия | январь 2022 г. | Агентство (*А.Бурханов*), Министерства и ведомства |
| 1.2 | Регулярно пересматривать и обновлять документы антикоррупционной политики с учетом изменения ситуации, задач и потребностей. | Инвентаризация нормативно-правовой базы в сфере противодействия коррупции с учетом первостепенных задач и потребностей.<br>Обновление и принятие ведомственных и региональных документов антикоррупционной политики. | Ведомственные документы по противодействию коррупции | ежегодно | Министерства и ведомства |
| 1.3 | Продолжить разработку и реализацию планов действий на национальном, ведомственном и местном уровнях, на основе рисков и необходимости. Обеспечить высокое качество этих документов, включая эффективные меры выполнения и индикаторы оценки их воздействия на уровень коррупции в сфере их действия. | Разработка методологии оценки коррупционных рисков.<br>Анализ коррупционных рисков на республиканском, ведомственном и местном уровнях.<br><br>Разработка типового плана антикоррупционной программы действий, предусмотрев в нем эффективные меры и индикаторы оценки их воздействия.<br><br>Разработка и исполнение антикоррупционных планов на национальном, ведомственном и местном уровнях.<br><br>Рассмотрение на заседании Национального совета отчетов министерств и ведомств о выявленных коррупционных рисках и принятых мерах по их минимизации. | Методология оценки коррупционных рисков<br><br>Типовой план антикоррупционной программы<br><br>Планы действий на национальном, ведомственном и местном уровнях<br><br>Обсуждения на заседаниях Национального совета | январь 2022 г.<br><br>январь 2022 г.<br><br>ежегодно<br><br>регулярно | Минюст (*Р.Давлетов*), Агентство (*А.Бурханов*), Генеральная прокуратура (*Н.Йўлдошев*), министерства и ведомства |
| 1.4 | Продолжить совершенствование системы мониторинга и привлечение широкого круга заинтересованных лиц из | Совершенствование системы ежегодной оценки деятельности по предотвращению коррупции среди государственных органов | Электронная система ежегодной оценки | ноябрь 2021 г. | Агентство (*А.Бурханов*), министерства и ведомства |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони** билан тасдиқланган **«Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида** коррупцияга қарши курашиш борасида бир қатор вазифалар белгиланган.

**10-мақсад: Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш.**

**Давлат хизматида коррупция омилларини бартараф этиш, кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш**.

**83-мақсад: Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш.**

Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

**Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни яратиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш.**

**84-мақсад: Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.**



Коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш.

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни қўллаб-қувватлаш.

Коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни кучайтириш.

Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг «коррупциядан холи қонунчилик» тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш белгиланган.

# Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг мазмуни ва моҳияти

**«Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни  2017 йил 3 январда қабул қилинган**
**Қонун 6-та боб, 34-моддадан иборат**

**1-боб** — Умумий қоидалар

**2-боб** — Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар

**3-боб** — Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш

**4-боб** — Коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар

**5-боб** — Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги

**6-боб** — Якунловчи қоидалар



# Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

**Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора тадбирларни амалга ошириш**




**Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш**

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш**

# Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш бўйича институционал тизими

Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгаши

Давлат хизматини ривожлантириш Агентлиги

Коррупцияга қарши курашиш Агентлиги

Ички ишлар вазирлиги



[redacted]

Адлия вазирлиги

Давлат хавфсизлик хизмати

Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти

# Коррупцияга қарши курашиш борасида ҳуқуқий ислохатлар

**Ўзбекистон Республикасисининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни**

**Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни**

**Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Судьялар Олий Кенгаши тўғрисида”ги Қонуни**




**Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни**

**Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 январьдаги “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни**

**Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майдаги «Давлат-хусусий шериклик тўғрисида»ги Қонуни**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПФ-2759-сон Фармони билан тасдиқланган 2011-2018 йилларда Коррупцияга қарши курашиш давлат дастури талаблари

**Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш**

**Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш**




**Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар**

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш**

**Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чоралар, тадқиқотлар ўтказиш, халқаро ҳамкорлик**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда Коррупцияга қарши курашиш давлат дастури талаблари

**Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик**




**Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш**

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш**

**Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июндаги ПФ-6257-сон Фармони билан тасдиқланган 2021-2022 йилларда Коррупцияга қарши курашиш давлат дастури талаблари

**Коррупцияга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш**

**Давлат харидлари соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш**




**Коррупцияга қарши курашиш тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш**

**Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни жорий қилиш ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш**

**Давлат органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш**

# Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-тадбирлар

"КЕЛИШИЛДИ"
Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси раиси
Н.Т. Йўлдошев
2020 йил "15" март

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазири
А.В.Шин
2020 йил "15" март

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА 2020 ЙИЛДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил "20" мартдаги "76"-сон буйруғига илова

**Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга оид жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси раиси
Н.Т.Йўлдошев
2019 йил "30" август

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА "КОРРУПЦИЯСИЗ СОҲА" ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси раиси
Н.Т. Йўлдошев
2020 йил "15" март

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазири
Э.М. Ганиев
2020 йил "15" март

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА 2020 ЙИЛДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"**

"КЕЛИШИЛДИ"
Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг раиси
Н.Т. Йўлдошев
2020 йил "15" март

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири
П.Р. Бобожонов
2020 йил "15" март

**Ички ишлар органлари тизимида коррупцияга қарши курашишни янада такомиллаштириш бўйича 2020 йилга мўлжалланган "Йўл харитаси"**

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси раиси
Н.Т. Йўлдошев
2020 йил "15" март

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси
М.Б. Азимов
2020 йил "__" март

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ТИЗИМИДА 2020 ЙИЛДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА "ЙЎЛ ХАРИТАСИ"**

# 3. Коррупцияга қарши курашиш ва давлат хизматини ислоҳ этиш масалалари

1

2

3

4

**2019 йил 3 октябрда “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ 5843-сон Президент Фармони** имзоланди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди**

**Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул деб белгиланди**

**Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди**

# Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган хужжатлари

Давлат органлари ва ташкилотларига давлат фуқаролик хизмати соҳасида ишларни такомиллаштириш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган **кўрсатмалар**



Давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида **ёзма огоҳлантириш**

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган **тақдимномалар**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020йил 23.01.**



**Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.**

Ана шу вазифалар ижросини тизимли ташкил этиш мақсадида парламент ва Президентга ҳисоб берадиган, **коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган** ташкил этишни таклиф этаман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2020 йил 29 июндаги "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6013-сонли Фармони асосида махсус ваколатли органлар ташкил этилди**

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи - **Ўзбекистон Республикаси Коррупциягаи қарши курашиш агентлиги ташкил этилди**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий идоралараро комиссиялари ўрнига **Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши**

# Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг асосий вазифалари

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисининг 2021 йил 19 августдаги 4-сонли баённомаси билан **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши тўғрисидаги Низом тасдиқланди.**

Миллий кенгашнинг асосий вазифалари сифатида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш; ҳудудий кенгашлар фаолиятини мувофиқлаштириш

# Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган **махсус ваколатли давлат органи** ҳисобланади

KORRUPSIYAGA QARSHI KURASHISH AGENTLIGI

Ўз фаолиятини қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, **Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдордир**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан бошқарилади. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Агентлик директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИ
АГЕНТЛИК:
Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг ишчи органи ҳисобланади
Президентга бўйсунади ва Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобдор
Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсати учун махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади
ШУНИНГДЕК:
Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани тайёрлайди
Ўзбекистоннинг Миллий манфаатлари ва халқаро имиджига зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади
Коррупцияга оид жиноятлар оқибатида жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарар тўлиқ қопланилишига эришиш устидан назоратни амалга оширади
Коррупция даражасини баҳоловчи Коррупцияни қабул қилиш миллий индексини тузишни ташкиллаштиради
АГЕНТЛИКНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТ ЙЎНАЛИШЛАРИ:
Мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилиш
Соҳалар ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш
Вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш
Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими жорий этилиши ташкил этиш
Бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларин реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш
Соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг имижини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш ва бошқалар

# Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш босқичлари




**БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш Конвенцияси (31.10.2003)**

**Коррупцияга қарши курашиш Қонуни (3.01.2017)**

**«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № ПҚ-2752 сонли Қарори (02.02.2017)**

**“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони (27.05.2019)**

**“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони (29.06.2020)**

# Хорижий давлатларда коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимининг моделлари

**“Америка модели”**
**1977 йилдаги *“Хорижда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Акт”* (FCPA)**
**2002 йилдаги “*Сарбейнз-Оксли” Акти***
***(Sarbanes-Oxley Act of 2002),***
**2010 йилдаги “*Дод-Франк Акти”да, (The Dodd — Frank Act of 2010)***




**“Буюк Британия модели”**
**2010 йилдаги *“Порахўрлик тўғрисидаги Акт”***
***(UK Bribery Act)***

**“Словения модели”**
**2014 йилдаги “Словения давлат холдингги акти тўғрисида”ги Қонуни**
**(Slovenian sovereign holding Act of 2014)**

## Хусусий секторда коррупцияга қарши курашишнинг сабабларидан бири коррупциявий низолар




**Volkswagen** (Германия) (2019) - (€4,7 млн),
**Odenbrecht** (Бразилия) (2017) – ($4,5 млрд),
**Samsung Group (**Корея Республикаси) (2017) **-** ($38 млн.),
**Rolls-Royce** (Буюк Британия) (2017) **– (**$809 млн.).
**TeliaSonera, Vimpelcom и МТС (**Швеция, Нидерланд, Россия.) **(**2012–2015) **– (**TeliaSonera $360 млн, от МТС $380 млн ва VimpelCom $150 млн.),
**Hanlong Group** (Хитой Халқ Республикаси) **(**2015) - (3,1 млрд. юан.)
**Petrobras** (Бразилия) **(**2014) **– (**$3,8 млрд.),
**Daimler** (Германия) **–** 2010 **- (**€64,7 млн.),
**Panalpina World Transport** (АҚШ) **(**2010) – **(**$49 млн.),
**Siemens** (Германия) (2008) **– (**$1,4 млрд.),
**Hyundai Motor** Co. **(**Корея Республикаси) (2007) – ($130 млн),
**Baker Hughes Inc** (АҚШ) **(**2007) **– (**$219 млн.),
**BAE Systems** (Буюк Британия) (2006) **– (**£2 млрд.).

# Дунёда коррупцияга қарши комплаенс тизимини жорий этилиши




**2020 йилга келиб дунёнинг коррупцияга қарши комплаенс тизимини 180 давлатларда 50000 компанияларда турли моделлари жорий этилган**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан 2020 йил 4 сентябрда “2020-2021 йилларда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш” бўйича йўл хариталари тасдиқланган

Соғликни сақлаш вазирлиги

Қурилиш вазирлиги

Транспорт вазирлиги

“Ўзстандарт” агентлиги

“Ўзкимёсаноат” АЖ
“Ҳудудгазтаъминот” АЖ



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Халқ таълими вазирлиги

Марказий банк

Давлат активлари бошқариш агентлиги

“Ўзбекнефтегаз” АЖ
“Ҳудудий электр тармоғлари” АЖ

## ISO 37001:2016 «Коррупцияга қарши бошқарув тизимлари – Фойдаланиш учун талаблар ва тавсиялар» халқаро стандарти




**Ташкилотда коррупцияга қарши курашнинг самарали тизимини яратишнинг халқаро усулларини ўзида жамлаган, коррупцияга қарши мукаммал бошқарув тизимини йўлга қўйишга хизмат қиладиган халқаро стандартдир.**

**Ташкилот фаолиятида коррупция билан боғлиқ юзага келадиган қуйидаги ҳолатларга нисбатан амал қилади:**

**a) давлат, хусусий ва нотижорат секторларида пора олиш;**

**b) ташкилотлар томонидан пора олиш;**

**c) ташкилот номидан ёки унинг фойдасига ишлайдиган ходимлар томонидан пора олиш;**

**d)ташкилот номидан ёки унинг фойдасига иш олиб борадиган ҳамкорлари томонидан пора олиш;**

**e) ташкилотга пора бериш;**

**f) ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ ташкилот ходимларга пора бериш;**

**g) ташкилотнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳамкорларига пора бериш;**

**h) тўғридан-тўғри ёки кимдир орқали (масалан, учинчи шахс томонидан тақдим этилган ёки қабул қилинган пора) пора бериш каби ҳолатлар.**

# ISO 37001 қўллаш соҳаси

**Давлат ва хусусий секторлардаги порахўрлик**

**Ташкилотлар томонидан товламачилик йўли билан пора талаб қилиш**

**Ташкилот ходимлари томонидан ташкилот номидан ёки унинг манфаатлари учун товламачилик йўли билан пора талаб қилиш**

**Ташкилот бизнес ҳамкорлари томонидан ташкилот номидан ёки унинг манфаатлари учун товламачилик йўли билан пора талаб қилиш**

**Ташкилотларни пора эвазига оғдириб олиш**

**Ташкилот ходимларини ташкилот фаолияти билан боғлиқ пора эвазига оғдириб олиш**

**Ташкилотнинг бизнес хамкорларини ташкилот фаолияти билан боғлиқ пора эвазига оғдириб олиш**

**Тўғридан тўғри ёки воситачи орқали пора талаб қилиш**

ISO 37001
Anti-Bribery Management Systems

# Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг ISO андозалари




**ISO 37000:2019 Governance of organizations “Ташкилотни бошқариш тизими”**






**ISO 37002:2020 Whistleblowing management systems “Маълумот берувчи шахсларни ҳимоялаш тизими”**




**ISO 37007 2021 Corporate Governance systems “Корпоратив бошқарув тизими”**



**ISO 31000:2018 Risk management systems “Хавф-хатарларни бошқариш тизими”**



2021 йил апрелда Халқаро стандартлаштириш ташкилотининг **ISO 19600:2014 ўрнига ISO 37301:2021 – Compliance management systems (CMG) (Ташкилотда комплаенс менеджмент тизимини жорий этиш)** қабул қилинган.

**Асосий ўзгаришлар**




**контрагентларни текшириш тартиби;**
**интизомий жавобгарликка тортиш;**
**маълумот берувчиларни ҳимоялаш ва тегишли**
**тартибларни такомиллаштириш тизими;**
**коррупциявий холатларни аниқлаш;**
**бизнесни самарали бошқарувини жорий этиш фаолияти;**
**раҳбарият вазифалари такомиллаштирилган ва янгиланган**



ISO 19600 WAS REPLACED – MEET ISO 37301

WHEREAS ISO 19600 WAS A GUIDELINE, ISO 37301 IS A CERTIFICATION STANDARD.

ISO 37301 is a so-called Type A standard and - unlike its predecessor ISO 19600 - is certifiable. That being said, 90% of the new standard is based on ISO 19600:2014. Companies who have previously aligned themselves to this one will not need to make radical changes. And organisations can have their compliance management system verified through an independent third party in the future.

If your organisation performs regular risk assessments, you have probably noticed that corporate compliance consistently ranks as one of the most significant risks. The implementation and certification of a robust compliance program can help you maintain integrity and ensure compliance with all applicable rules and regulations in a systematic, structured and pro-active manner.

CMS helps organisations to comply with the legislation that is applicable to them and with the commitments assumed with their stakeholders. They reduce the economic or reputational risks of failing to comply with them and are a fundamental tool for organisations to comply with their corporate social responsibility policies. They undoubtedly help to create a culture of integrity and compliance that fosters sustained success and the survival of the organisation.

Do you seek to benchmark your existing system against international best practices?

Certification of your compliance management system by an independent third-party such as ABAC® not only provides assurance to your stakeholders, it also enables organisations to detect opportunities and to further increase the effectiveness of their CMS.

WHY CHOOSE ISO 37301:2021 CERTIFICATION AND TRAINING?

Certification against ISO 37301 demonstrates your organisation's commitment towards an effective compliance management system and any of its applicable subsections like:

- General compliance
- Anti-bribery
- Sanctions
- AML
- Export control
- Data privacy.

The inclusion of these subsections demonstrates its wide-ranging applications and its potential to revolutionise your overall compliance efforts. However, as with all of ISO's standards, the requirements are broad enough to allow you to build a system that best suits the needs of your organisation, deciding upon the scope, location, number of people we interview, depth of the audits within the organisation, and which subsections to include.

GET A FREE QUOTE NOW!

3

# Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари




Давлат хизмати тизими, унинг мақсадлари ва вазифаларини тубдан такомиллаштириш

Тадбиркорликнинг ривожланиши учун ҳуқуқий чекловларни ва ташкилий тўсиқларни олиб ташлаш

Давлат хизматларини тақдим этиш ва маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш

Маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, давлат органларининг вазифаларини такомиллаштириш, давлатга тегишли бўлмаган функцияларни хусусий секторга ўтказиш

Коррупцияга қарши кураш соҳасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мақсадлари, вазифалари ва функцияларини такомиллаштириш

Давлат органлари, жамоат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида алоқа тизимини йўлга қўйиш

Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, юқори аҳлоқий меъёрларни шакллантириш

# Давлат хизматини ўташ билан боғлиқ таъқиқлар

Ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқати чекланиши

Жиноий жавобгарликка тортилганлик, лавозимни эгаллаш бўлган чеклов мавжудлиги

Хизмат ўташ билан боғлиқ маълумотларни тарқатиши

Чет эл фуқаролигига эга бўлиши

Соғлиқ билан боғлиқ муаммолар бўлиши

Ишончни йўқотиш сабаби бўйича лавозимидан озод этилиши



Яқин қариндошлар билан бўйсинувда бўлиши

Даромадлар, мол-мулк, манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумот тақдим этмаслиги

Ишга киришда қалбаки ёки нотўғри маълумотлар тақдим этиши

Харбий хизматни ўташ шарт бўлиб уни ўтамаслиги

Қонунчилик (вакиллик) органи депутати бўлиши

# Давлат бошқаруви органларида коррупциявий жиноятларни аниқлаш воситалари

“Сирли мижоз” тадбирлари орқали

Ваколатли бўлинмаларнинг тезкор тадбирлари орқали

ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги маълумотлар таҳлили асосида

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келиб тушган маълумотлар орқали




Фаолиятни текшириш орқали

Сайтлар, ишонч телефонларига келиб тушган мурожаатлар таҳлили асосида

Сўровномалар ўтказиш орқали

Фуқаролар мурожаатларининг таҳлили асосида

Назорат тадбирлари орқали

“Халоллик тестлари” тадбирлари асосида

# Давлат хизматидаги таъқиқлар

Ўз хизмат ваколатидан ўзининг моддий фаровонлигини қонунга хилоф равишда мустаҳкамлаш

Педагогик, илмий ёки бошқа ижодий фаолиятдан ташқари, бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиши

Қарз олиши-бериши

Қиморга асосланган ўйинларда қатнашиши




Жисмоний ва юридик шахслардан ҳақ (пул, совға, қарз, хизматлар, дам олиш учун ҳақ тўлаш, транспорт харажатларини қоплаш ва бошқа кўринишларда ҳақ) олиши

Давлат хизматчиси сифатидаги чиқишлари ва эълон қилинган асарлари учун гонорар олиши

# Давлат хизматидаги таъқиқлар

Ўзи хизмат қилаётган ёки бевосита бўйсунадиган давлат органида **учинчи шахсларнинг ишлари бўйича вакил бўлиши**




**Номулкий наф кўриш мақсадида фойдаланиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлар содир этиши**

Хорижий хизмат сафарларига жисмоний ва **юридик шахслар ҳисобидан чиқиши**

**Давлат бошлиғининг рухсатисиз чет давлатлар, халқаро ва хорижий ташкилотлардан фахрий ва махсус унвонлар олиши**

**Тижорат ташкилотининг бошқарув органига аъзо бўлиши**

**Моддий-техника ва ахборот таъминоти воситаларидан, давлатнинг бошқа мол-мулкидан ва хизматга доир ахборотдан хизматга боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиши**

# Давлат хизматидаги чекловлар

**Давлат органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолияти ҳақида оммавий тарзда фикр билдириш ёки уни баҳолаш чекланади**

**Чет давлат фуқаролиги, совғалар, унвонларни қабул қилиши чекланади**



**Иш ташлашларда иштирок этиши чекланади**

**Ўз хизмат мавқеидан сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, шу жумладан диний бирлашмаларнинг манфаатлари йўлида уларга нисбатан ўз муносабатини тарғиб қилиш учун фойдаланиши мумкин эмас**

Европа давлатларида давлат хизматчиларининг ишбилармонлик фаолияти **манфаатлар тўқнашувини** келтириб чиқариши белгилаган. Бир қатор мамлакатларда манфаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган қуйидаги чоралар мавжуд:

**а) қўшимча фаолият билан шуғулланишни чеклаш;**

**б) шахсий даромадлар декларацияси;**



**в) оила аъзоларнинг даромадлар декларацияси;**

**г) шахсий мулк декларацияси;**

**д) совғалар декларацияси;**

**е) шартномани бошқариш билан боғлиқ шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларация;**

**ж) қарор қабул қилиш ёки овоз бериш билан боғлиқ шахсий манфаатлар тўғрисидаги декларация ва сиёсатни тайёрлашда ёки маслаҳат беришда иштирок этиш;**

**з) шахсий компаниялардаги чекловлар.**

# Коррупцияга қарши курашиш борасида ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш истиқболлари



**Мансабдор шахсларнинг асосланмаган дискрецион ваколатларини чеклаш,**

**Мансабдор шахслар фаолиятида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш,**

**Маълумот берувчи шахсларни химоялаш тизимини мустаҳкамлаш,**

**Аноним маъломатларни кўриб чиқиш тартибини жорий этиш,**

**Ташкилот рахбарларининг тизимдаги коррупциявий холатлар юз берган тақдирда сиёсий жавобгарликга тортиш (истефога чиқиш),**

**Барча мансабдор шахсларнинг дахлсизлик иммунитетларидан воз кечиш,**

**Ички назорат тизимларини (хусусий секторда – комплаенс, оммавий секторда – халоллик (integrity) такомиллаштириш,**

**Давлат ташкилотлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш ва б.**

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласи**




Вазирлар Маҳкамасининг **“Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори (829-сон, 31.12.2020 й.)** қабул қилинди. Низом **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга** мувофиқ жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Низомга кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган шахслар қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилади:

☞ ўзларига нисбатан пора талаб қилган шахс ёки ўзларига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органлар (**Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти**)га берган хабари асосида ҳуқуқбузарлик фош этилса;

☞ коррупцияга оид жиноятни содир этганлиги учун қидирувда бўлган шахс тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга берилган хабар асосида қидирувдаги шахс ушланиши (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари бундан мустасно).

Коррупцияга қарши курашиш борасидаги хорижий давлат тажрибаларидан келиб чиқиб, Низом билан мамлакатимизда қуйидаги тартиб белгиланмоқда: Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлик учун **фуқаролар**, нодавлат тижорат ташкилоти, давлат органи ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг **хизматчисини** рағбатлантириш.




Ушбу тартибга кўра, фуқаролар ва давлат хизматчилари бирор соҳада тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида тегишли органларга хабар беришлари мумкин. Ўз навбатида, фуқаролар ва давлат хизматчиларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлиги суднинг айблов ҳукми ёки Жиноят процессуал кодексининг 84-моддаси 1-қисми 1-3-бандлари, 3-қисми ва 5-қисми 1-банди бўйича жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор (ажрим) кучга кириши ёхуд қидирувни бекор қилиш ҳақида қарор (ажрим) қабул қилиниши асосида рағбатлантириш назарда тутилган.




Шунга кўра, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар тегишлича **БҲМнинг 3 бараваридан 25 бараваригача (669 минг сўмдан 5 млн 575 минг сўмгача) миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилиши мумкин**.

Агар пора суммаси ёки етказилган зарар ёхуд ўзлаштирилаётган (ўзлаштирилган) мулкнинг қиймати БҲМнинг **юз бараваридан кўп бўлса**, мукофот қуйидаги фоиз ҳисобида ҳисобланади:

— **анча миқдор учун – мулк қийматининг 15 фоизи миқдорида;**

— **кўп ва жуда кўп миқдор учун – мулк қийматининг 10 фоизи миқдорида.**

Шахс коррупцияга қарши курашишга муносиб ҳисса қўшганлиги учун давлат мукофотига ҳам тавсия этилиши мумкин.

# «Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги № ПҚ-5171 02.07.2021 й. Президент қарори

1
2
3
4
5
6
7
8

Қарорга кўра, **2021 йил 5 июлдан** тегишли (24 та) корпоратив буюртмачилар:
давлат харидларини амалга оширишда харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги эълонлар ва давлат харидлари натижалари тўғрисидаги ахборотни **махсус ахборот портали ҳамда ОАВда жойлаштиради;**
товарларнинг *(ишларнинг, хизматларнинг)* қиймати **БҲМнинг 25 минг баравари миқдоридан ошган ҳолларда**, харидга доир техник топшириқлар ва тендер ҳужжатларини **комплекс экспертизадан ўтказиш учун** Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги **“Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасига киритади**.

Шунингдек, мазкур корпоратив буюртмачилар учун индивидуал тарзда Президент ва Ҳукумат қарорларига мувофиқ белгиланган давлат харидларини тўғридан-тўғри ёки тендер савдоларини ўтказмасдан амалга оширишнинг мавжуд тартиблари **бекор қилинади.**

Қарорга кўра:
**етказиб берувчиларнинг дастлабки малака танловини ўтказиш бўйича** идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилади;
омбор ва транспорт логистикасини бошқариш тизимидаги жараёнларни автоматлаштириш орқали **“E-ombor” товар-моддий ресурслар ҳаракатини ҳисобга олиш электрон тизими** жорий этилади.
Қарор билан шунингдек, Давлат харидлари очиқ ва шаффоф амалга оширилишини таъминлаш бўйича республика комиссияси тўғрисидаги **низом** тасдиқланди.

**“Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони (ПФ 6257-сон 06.07.2021йил) ва тегишли Қарори (ПК-5177 –сон 06.07.2021йил) қабул қилинди**

Унга кўра, эндиликда:

1 Барча давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйила:

**“Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун** ишлаб чиқилади

2 **“Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри”** юритилади

3 **“Коррупциявий хавфларни баҳолаш электрон тизими”** ишга туширилади

4 **Давлат хизматчилари, ташкилотлари, корхоналари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкини мажбурий декларация қилиш** тизими жорий этилади

5 **Давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш ва эгалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланади**

6 **Жиноят кодексида даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган ноқонуний бойлик орттирганлик учун жавобгарлик ўрнатилади**

7 **Давлат органлари ва ташкилолатларида ишга қабул қилиш очиқ танлов асосида амалга оширилади ва Интернет орқали трансляция** қилинади

8 **Ҳар йил якуни бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларидаги коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳоловчи рейтинг эълон қилинади**

**Давлат хизматчиларининг Одоб-ахлоқ кодекси қабул** қилинади.

## КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ: 10 ТА ЭНГ АСОСИЙ ЎЗГАРИШЛАР

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KORRUPSIYAGA QARSHI
KURASHISH AGENTLIGI

Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этиш, бошқарувда коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришга оид Президент Фармони ва Қарори қабул қилинди

### ФАРМОНГА КЎРА:

**2021–2022 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури тасдиқланди**

### ЭНДИЛИКДА:

1. Барча давлат органлариларида **коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари** фаолияти йўлга қўйилади

2. Давлат хизматчилари, ташкилотлари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи, вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкини **мажбурий декларация қилиш тизими** жорий этилади

3. Жиноят кодексида даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган **ноқонуний бойлик орттирганлик учун жавобгарлик** ўрнатилади

4. **“Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун** ишлаб чиқилади

5. Давлат органлари ва ташкилолатларида **ишга қабул қилиш очиқ танлов асосида** амалга оширилади ва Интернет орқали трансляция қилинади

6. **“Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри”** юритилади

7. Давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш **тақиқланади**

8. Ҳар йил якуни бўйича барча давлат органларидаги коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини баҳоловчи **рейтинг** эълон қилинади

9. **“Коррупциявий хавфларни баҳолаш электрон тизими”** ишга туширилади

10. Давлат хизматчиларининг **Одоб-ахлоқ кодекси** қабул қилинади

## Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш чоралари






## Ўзбекистон Республикаси Перезидентининг “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги № ПҚ-5177-сон қарорига (06.07.2021) асосан

**2021 йил 1 сентябрдан** бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ишга қабул қилишни очиқ танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартиб жорий этилди.

**2021 йил 1 октябрдан** бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди.

**Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўриш учун масъул ҳисобланиши белгиланди**.

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарлари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилиниши, уларни лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилиши белгиланди.

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 27-сон буйруғи билан Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги Намунавий низом тасдиқланган.**
**Унга кўра назорат тузилмаларининг асосий мақсади :**



ташкилотда, шунингдек, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши кураш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш,

коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш,

коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, ташкилот тизими ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш,

ташкилот тизимида коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш,

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

# ИЧКИ НАЗОРАТ ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

ташкилот тизими ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш

хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида ташкилот ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш

ўзи фаолият юритаётган ташкилот ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан маълумотларни олиш




ташкилот раҳбариятига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш

текширувлар ўтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш.

ўз фаолияти доирасида ташкилот тизимига ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш

ташкилотнинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш

Бундан ташқари Агентлик томонидан:

1 **Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича низом,**

2 **Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсати, давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти,**

3 **Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил қилиш бўйича йўриқнома,**

4 **Давлат органлари ва ташкилотлари, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид йўриқнома,**

5 **Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига ишга қабул қилинаётган номзодларни текшириш бўйича йўриқнома,**

6 **Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши кураш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш бўйича низом,**

7 **Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш регламенти,**

8 **Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш услубиёти,**

**Давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича регламентлар** ишлаб чиқилган.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон қарори қабул қилинди.** Қарор билан давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, баҳолаш ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган **Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этишлди**.




**Рейтинг қуйидаги бешта йўналиш бўйича белгиланган индикаторлар асосида амалга оширилади:**

давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги ҳамда амалиётга татбиқ этилганлиги;



коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;

давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупцияга қарши муросасиз муносабатни кўрсатувчи хатти-ҳаракатларининг мавжудлиги;



ходимларнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги;



коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги бахолашга қаратилган.